



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

СУРХОНДАРЁ ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ

## "БОЙСУН – БАҲОРИ" ХАЛҚАРО ФЕСТИВАЛИ: ТУРИЗМ САЛОҲИЁТИ

### МЕЖДУНАРОДНЫЙ ФОЛЬКЛОРНЫЙ ФЕСТИВАЛЬ «БАЙСУН – БАХОРИ» ПОТЕНЦИАЛ ТУРИЗМА

### «BOYSUN –BAHORI» INTERNATIONAL FOLKLORE FESTIVAL TOURISM POTENTIAL



**СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ**  
**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА**  
**МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**  
**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**СУРХОНДАРЁ ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ**  
**РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ**

**“БОЙСУН –БАҲОРИ” ХАЛҚАРО ФЕСТИВАЛИ: ТУРИЗМ**  
**САЛОҲИЁТИ”**

**Жаҳон цивилизациясида Бойсуннинг моддий ва маънавий**  
**маданияти халқаро илмий-амалий анжумани**

**МЕЖДУНАРОДНЫЙ ФОЛЬКЛОРНЫЙ ФЕСТИВАЛЬ**  
**«БАЙСУН –БАХОРИ» ПОТЕНЦИАЛ ТУРИЗМА**

*Материальная и духовная культура Байсуна в мировой*  
*цивилизации*

**«BOYSUN –BAHORI» INTERNATIONAL FOLKLORE**  
**FESTIVAL TOURISM POTENTIAL**

*Material and Spiritual Culture of Boysun in World Civilizations*

**ТОШКЕНТ**  
**«YOSH AVLOD MATBAА»**  
**2022**

**УЎК 808.5(075.8)**  
**КБК 83.7уа73**  
**A77**

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 7 февралдаги №-59 рақамли “Бойсун баҳори” фольклор фестивалини 2022 йил 7-8- май кунлари Сурхондарё вилояти Бойсун туманида ўтказиш тўғрисидаги баённомаси асосида Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳамкорлигида 2022 йил 6 май куни Термиз шаҳридаги Имом Исо Термизий илмий тадқиқот марказида “Жаҳон цивилизациясида Бойсуннинг моддий ва маънавий маданияти” халқаро илмий анжуман таъкил этилди. Анжуманга тақдим этилган илмий мақолалар тўплам сифатида чоп этилди.*

*“Бойсун-баҳори” фольклор фестивалини “Жаҳон цивилизациясида Бойсуннинг моддий ва маънавий маданияти” мавзусидаги Халқаро илмий-амалий конференцияси илмий мақолалар тўплами / С. Турсунов. – Т.: “Yosh avlod matbaa”, 2022. – 578 б.*

**Масъул муҳаррир:**

*т.ф.д., проф. С.Н. Турсунов*

**Тақризчилар:**

*т.ф.д.профессор А.Аширов, т.ф.д.профессор Р.Ҳ.Муртазаева  
ф.ф.д П.Бакиров, ф.ф.н Ҳ.Жўраева, ф.ф.д.профессор Н.А.Хуббитдинова,  
ф.ф.д. профессор Ш.Турдимов, т.ф.д. профессор Г.В. Юлдыбаева.  
ф.ф.н.Б.Муртазоев, ф.ф.н.Н.Йўлдошев, т.ф.д. Т.Пардаев, профессор  
О.Бўриев, ф.ф.б.ф.ф.д А.Худойқулов, ўқитувчи И.Қаришев, Б.Саидовлар.*

**Техник котиба:**

*Қўшоқова Моҳигул Турсуновна*

Мазкур тўплам Термиз давлат университетининг 2022 йил 25-апрелдаги илмий кенгаши йигилишида муҳокама этилиб, нашрга тавсия этилди. Тўпламда Хоржий ва Ўзбекистон республикасига оид тарихий-археологик ва этнографик, халқ оғзаки ижодиёти ҳамда фан, таълим ва тарбиянинг тарихий нуқтаи-назардан эришилган ютуқларига оид илмий мақолалар жамланган.

ISBN-978-9943-6897-5-6

“Yosh avlod matbaa”, 2022 й.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 7 февралдаги №-59 рақамли “Бойсун баҳори” фольклор фестивалини 2022 йил 7-8 май кунлари Сурхондарё вилояти Бойсун туманида ўтказиш тўғрисидаги баённомаси асосида илмий анжуманни Термиз давлат университети ва Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳамкорлигида 2022 йил 6-май куни Термиз шаҳридаги Имом Исо Термизий илмий тадқиқот марказида “Жаҳон цивилизациясида Бойсуннинг моддий ва маънавий маданияти” халқаро илмий анжуман ташкил этилди.

На основании Протокола Кабинета Министров Республики Узбекистан от 7 февраля 2022 года провести 7-8 мая 2022 года в Байсунском районе Сурхандарьинской области фольклорный праздник «Бойсунская весна» №-59, научную конференцию состоялась 6 мая 2022 г. В Научно-исследовательском центре имама Иса Термизе в город Термезе организована Международная научная конференция «Материальная и духовная культура Байсуна в мировой цивилизации».

On the basis of the Protocol of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan from February 7, 2022 to May 7-8, 2022 in Baysun district Surkhandarya region folklore festival «Baysun spring» №-59, scientific conference will be held on May 6, 2022. The International Scientific Conference «Material and Spiritual Culture of Baysuna in World Civilization» was organized at the Scientific-Research Center of Imam Isa Termizi in Termez.

инграй-инграй чанадан тушиб, судралиб бориб автоматни олдим ва қийнала-қийнала чанага чиқишим билан ит мени судраб кетди. Ана шу тариқа санитар ити мени ўрмон ичкарисидаги госпиталга етказиб борган эди (Зокир ота шундан кейин ҳам икки оёқсиз нақ ўттиз йил яшади).

Иккинчи жаҳон уруши йилларида жанг майдонларида мардларча ҳалок бўлган, жаҳонда тинчликни сақлаш, фашизм устидан тўлиқ галаба қозониш учун мардлик намунасини кўрсатган Жаркўргонлик қахрамонларнинг номлари адабийлаштирилиб, уларнинг оила аъзолари мустақиллик йилларида давлатимиз томонидан ҳар томонлама, моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватланиб келмоқда.

1995 йил 9 май куни “Янги усул” маҳалласидан ижодкор ўқитувчи Абдулла Бўриев ўз ҳисобидан иккинчи жаҳон урушида қатнашган 12 нафар маҳалладошлари хотирасини абадийлаштириш мақсадида маҳаллага қарашли қабристон ёнида бир ярим гектар ерни обод қилиб, хотира боғи бунёд этди. Хотира боғида Мотамсаро она ҳайкалини ўрнатди. Йигилишга туман ҳоқими, туман нурунийлар раиси, уруш фахрийлари, Какайди ҳарбий қисм вакиллари ҳамда мактаб ўқитувчилари ва ўқувчилари қатнашди.

Тумандан Фронт жангоҳларида ярадор бўлиб қайтган уруш ногиронлари ва кексалик гаштини сураётган нуруний иккинчи жаҳон уруши иштирокчилари доимий тарзда давлатимизнинг химоясидадир.

## **МУҚАДДАС ҚАДАМЖО ВА ЗИЁРАТГОҲЛАР ТАРИХИНИ ЎРГАНИШДА ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ (ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)**

**Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти  
Гуманитар фанлар факультети Тарих кафедраси мудир  
Жумаева Шоира Бердиярова**

Инсоният маданиятининг ноёб мероси сифатида тан олинган ўзбек халқининг бетақроқ тарихий, диний, маданий ва маънавий қадриятлари жаҳон тамаддуни тараққиётида муҳим аҳамиятга эга. Мана шундай қадриятлардан бири зиёратгоҳлар ва зиёрат маросимлари ҳисобланади.

Республикамизда ўзининг географик жойлашуви, хўжалиги ва иқтисодийётига кўра етакчи минтақаларидан бири ҳисобланган Тошкент вилоятида 200га яқин тарихий, табиий ҳамда диний қадамжо ва зиёратгоҳлар жойлашган бўлиб, ушбу масканлар тарихи, ўзига хослиги ҳамда улар билан боглиқ тарзда ўтказилган турли маросимлар этнографик жиҳатдан бойлиги билан ҳам ажралиб туради. Яна бир муҳим жиҳати шуки, вилоятдаги зиёратгоҳлар ва муқаддас қадамжоларнинг асосий қисми табиат култи, ислом дини билан боглиқ афсонавий шахслар ҳамда тасаввуф таълимоти намोёндалари номи билан боглиқ бўлиб, ёзма манбаларнинг асосий қисмида Тошкент вилояти зиёратгоҳлари тўғрисида дастлабки маълумотлар қайд қилинган. Шу сабабли зиёратгоҳлар тарихини ўрганишда халқ оғзаки ижоди бўлган афсона ва ривоятлар муҳим манбалардан бири ҳисобланади.

Афсона ва ривоятлар халқ оғзаки ижодининг энг қадимги жанрларидан бири бўлиб, воқеликни англаш, тушунишга қаратилган тушунча ва тасаввурлари мужассамлашган воқеа ва ҳодисалар бадиий тўқима асосида хикоя қилади. Афсонада инсоннинг дунёқараши, турмуш тарзи, урф-одатлари ва тарихий ҳодисалар тўғрисидаги маълумотлар акс этади. Жумладан, араблар истилоси натижасида Тошкент воҳасига ислом динининг кириб келиши ва маҳаллий зиёратгоҳлар ҳамда зиёрат маросимларининг ислом ақидалари билан симбиози юз беради. Яъни, барча қадамжо ва зиёратгоҳлар Қуръони Каримда номлари зикр қилинган пайгамбарлар, саҳобалар ҳамда халифалар номлари билан боглиқ ҳолда талқин этила бошланган. Жумладан, нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиё худудида Ҳазрат Али номи билан боглиқ қадамжолар кенг тарқалган бўлиб, халқона қарашларда, афсоналарда мазкур зиёратгоҳнинг вужудга келиши Ҳазрати Али номи билан боғланади. Аммо тарихий маълумотларга кўра, Ҳазрати Али Марказий Осиё худудига ташриф буюрмаган. Шунини таъкидлаш жоизки, Тошкент вилоятидаги Ҳазрати Масжид Али, Ахтам Саҳоба, Заркент ота ва Икрима ота зиёратгоҳлари билан боглиқ афсоналарда келтирилган шахсларнинг юртимизда бўлганлиги тўғрисида тарихий маълумотлар мавжуд эмас.

Ривоят – номоддий маданий мерос намуналаридан бири бўлиб, асосан оғзаки хикоя қилиниб, аجدодлардан авлодларга халқ хотираси орқали ўтиб келган. Ривоятда бирор тарихий воқеа, ҳодисалар бадиий тўқима воситасида ёритиб берилган.

Тузилишига кўра ҳажман қисқа, анъанавий шаклга эга бўлмаган асар ҳисобланади. Ривоят билан афсонанинг фарқли жиҳати шуки, ривоятларда афсонага нисбатан тарихийлик устунликка эга бўлса, афсона эса ривоятларга нисбатан фантастик буёқ ва диний элементларга бой бўлади. Ривоятларни мазмунига кўра икки гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Тарихий; 2. Топонимик.

Жумладан, муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳлар тарихи билан боглик афсонавий қахрамонлар, ислом дини билан боглик саҳобалар, авлиёлар ҳамда тасаввуф таълимоти намоёндалари билан боглик бўлган воқеаларни акс эттириб, ахлоқ ва одобнинг идеал нормаларини ташвиқ этувчи ривоятлар тарихий ривоятлар ҳисобланади. Жумладан, Занги ота, Шоабдумалик бобо, Шайх Умар Вали сингари тарихий шахслар ҳақида яратилган ривоятлар шулар жумласидандир. Тарихий ривоятларни у ёки бу тарихий шахс ёки воқеалар гувоҳи бўлганларнинг, кўрган-билганларнинг эсдаликлари асосида юзага келган дейиш мумкин. Авлиёлар ҳаёти ва фаолияти билан боглик тарихий ривоятлар ўзбек халқи оҳзаки ижодида кенг тарқалган бўлиб, улар ёшлар тарбиясида кенг фойдаланилади. Халқона қарашларда авлиёларга нисбатан Аллоҳнинг дўстлари, азизлар, каромат соҳиблари, марди худо, валиюллоҳ, аҳлуллоҳ, мардон, аҳли дил, ориф, дарвешлар сингари сифатлар берилган. Ривоятда келтирилишича: “Бир куни Ҳазрати Муҳаммад Мустафо саллаллоҳи алайҳи васаллам бундай марҳамат қилган эдилар: “Қиёмат куни гуноҳкор банда ўзининг феълидан хижил ва шарманда бўлиб, жаннатдан умидини узган маҳалда Ҳақ таолодан шундай хитоб келади : “Эй бандам, ёруғ дунёда фалон олим ёки фалон орифни танирмидинг?” Банда: “Ҳа танир эдим”, – деб жавоб беради. Шунда Ҳақ таоло: “Жаннатга боргил, сени унга багишладим”, – дейди. Бас, Худонинг дўстлари– орифлари, азиз-авлиёларни таниш, уларга эргашмоқ, улардан баҳра олиб яшамоқ, қиёматда нажот топиш учун сабаб бўлар экан”. Худонинг дўстларига кўнгилда меҳр-муҳаббат сақлаш, уларнинг қилиқларини ўзлаштирмоқ, уларнинг феълу тутумларига тақлид қилмоқ жуда фазилатли ва фойдалидир[1. Б.18.]

Авлиёлар билан боглик қарашлар халқимизнинг кундалик турмуш тарзига ҳам чуқур сингиб кетган. Жумладан, авлиёлар халқ оғзаки ижоди намуналари ва ёзма манбаларда мўъжизалар яратувчи, турли касблар, деҳқончилик ва чорвачилик хомийси

(пири), инсонлар ҳаётига таъсир қилувчи чексиз қудрат эгаси сифатида тасвирланган[1. Б.165.].

Муқаддас қадамжо, зиёратгоҳлар ҳамда мақбаралар номи уларнинг пайдо бўлиш тарихи тўғрисида ҳикоя қилувчи ривоятлар топонимик ривоятлар ҳисобланади. Жумладан, Тошкент вилоятидаги машҳур Занги ота зиёратгоҳининг бунёд этилиш тарихи бирор ёзма манбада тўлиқ акс этмаган бўлсада, мазкур зиёратгоҳ бунёд этилиши билан боглиқ ривоят бугунги кунга қадар яхши сақланиб қолган. Шунингдек, Бекобод тумани Тақачи қишлоғида жойлашган ўрта асрларга меъморчилигига оид Қизил мазор зиёратгоҳи ривоятга кўра Захириддин Муҳаммад Бобур томонидан бунёд этилган. Мазкур зиёратгоҳнинг ким томондан ва қачон бунёд этилганлигини бирор ёзма манбада акс этмаган [3. Б.16.].

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш мумкинки, Тошкент вилоятидаги муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳлар тарихи ўзига хос, бир-бирини такрорламайдиган афсона ва ривоятларга бой бўлиб, асосан, диний ҳиссиётларни шакллантириш ҳамда ёш авлодни ҳалоллик, меҳнатсеварлик, ростгўйлик руҳида тарбиялашга хизмат қилади. Муқаддас жойлар, ер, сув, ҳайвонлар, ўсимликлар ҳамда авлиёлар култи билан боглиқ халқона қарашлар, афсона ва ривоятлар, табобат сирлари одамлар онгида сақланиб, асосан, оғзаки ҳолатда сақланади ва қуйидаги йўллар билан авлодларга узатилади:

- а) кундалик оилавий (умумий) алоқа орқали;
- б) анъанавий “устоз-шогирд” тизими орқали;
- с) қадимий усул, яъни ўзаро мулоқот ва ўргатиш орқали.

Шу билан бирга, қадамжо ва зиёратгоҳларнинг тарихи билан боглиқ ривоятлар, афсоналарнинг ҳар бири маълум бир туман, қишлоқ ҳамда маҳаллаларда яшовчи аҳолининг анъанавий турмуш тарзи ҳамда диний тасаввурларини ифодаловчи манба сифатида муҳим аҳамиятга эга. Ҳар бир ҳудуднинг тарихини, афсона ва ривоятларини яхши билувчи кайвони ва оксоқоллари бўлиб, улар анъанавий кадрятларни кейинги авлодларга етказиб берувчилар ҳисобланади. Афсуски, сўнгги йилларда бундай инсонлар сони йилдан йилга камайиб бормоқда. Бу эса ўз навбатида афсона ва ривоятларни йиғиш ҳамда архив фондларида сақлаш заруратини келтириб чиқармоқда.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Остонакулов И. “Авлиёлар султони”, “Туронлик валийлар”. –Т.:“Янги аср авлоди”, 2004.-Б.18.
2. Кньш А.К. “Что в имени?” Определение суфизма как эпистемологическая и идеологическая проблема // Суфизм и мусульманская духовная традиция: тексты, институты, идеи и интерпретации. 2015. -С.165
3. Ашрафхўжаев ва бошқ. Ҳазрати Занги ота ва Соҳибқирон Амир Темур. –Т. “Наврўз”, 2017 й.-Б.16.

## СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИДАГИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲАТЛАР САМАРАСИНING ТАРИХИЙ МАНБАЛАРДАГИ ТАҲЛИЛИ

Термиз давлат унверситети Жаҳон  
тарихи кафедраси доценти, т.ф.н.  
Раҳимов Баҳодир Саидмусаевич

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиш бутун мамлакатимизда бўлгани сингари Сурхондарё вилояти тараққиётига улкан имкониятлар эшигини очди. Агар совет тузуми даврида Сурхондарё вилояти энг чекка ҳудуд сифатида назарга олинмаган бўлса, мустақиллик йилларида вилоят балки мамлакатимизнинг жанубдаги кўргони сифатида ҳар томонлама юксалди ва раванк топди. Мустақиллик туфайли кўлга киритилган улкан имконият ва шароитлар заминида Сурхондарё вилоятининг ҳам ҳар томонлама ривожлантиришга кенг ўрин берилди. Мустақиллик йилларида Сурхондарё вилоятининг иқтисодий, маданий ва маърифий ҳаёти тамомила янги римвожланиш босқичига кўтарилди. Вилоят истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ Ўзбекистоннинг жанубий сарҳадидаги мустаҳкам кўргонга айланди. Чунки, мамлакатимизнинг осойишталиги чегараларининг дахлсизлиги, тинчликнинг барқарорлиги энг аввало сарҳадларимизнинг хавфсизлиги билан чамбарчас боглиқ. Пировардида ватанимиз мудофааси, тинчлиги ва хавфсизлиги жанубда айнан Сурхондарё вилоятдан бошланади. Сурхондарё вилояти Ўзбекистоннинг Афғонистон, Покистон ва Ҳиндистонга чиқишга имкон

ЭТНОГРАФИК ТАҲЛИЛИ (БУХОРО ВОҲАСИ МИСОЛИДА)..	141
<b>Qarshiyev Islom Maxmarahim o'g'li. SURXON SHEROBOD VOHASI QO'NG' IROTLARINING AN' ANAVIY MILLIY O'YINLARI</b> .....	146
<b>Алижон Эсанов. ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИДА ШЕЪРИЙ САНЪАТЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИШИ (“Ё РАМАЗОН” ҚЎШИҒИ МИСОЛИДА)</b> .....	152
<b>Шоймардонов Илҳом Алихонович. БОЛАЛАР ЎЙИН ФОЛКЪЛОРИНИНГ ТЎПЛАНИШИ ВА ЎРГАНИЛИШИ ТАРИХИ</b> .....	156
<b>Аҳмедов Сардор Сайриддин ўғли. СУРХОН ВОҲАСИ ТОЖИКЛАРИНИНГ СУННАТ ТЎЙ МАРОСИМЛАРИ</b> .....	162
<b>О.Э.Ҳайдаров. Ўзбек халқининг табиат ҳодисалари билан боглик маросимлари</b> .....	165
<b>BAKSHICHILIK SAN'ATI</b>	
<b>У.П.Норбоев. Ўзбек миллий дostonчилик анъаналари</b> .....	170
<b>Ш.М.Содиқова. ТARIX ШАХС ВА ЖАМИЯТ ЎЗГАРИШИДА ҚАДРИЯТЛАР ТРАНСФОРМАЦИЯСИ</b> .....	173
<b>Tursunov Nurulla Narzullayevich, Usanov Shuxrat Musurmonovich. TOLERANTLIK TUSHUNCHASI HAQIDA AYRIM MULOHAZALAR</b> .....	178
<b>Рахимов Баходир Саидмусаевич. ЖАРҚЎРҒОНЛИКЛАРНИНГ УРУШ ЖАНГГОҲЛАРИДАГИ ҚАҲРАМОНЛИКЛАРИ</b> .....	186
<b>Жумаева Шоира Бердияровна. МУҚАДДАС ҚАДАМЖО ВА ЗИЁРАТГОҲЛАР ТАРИХИНИ ЎРГАНИШДА ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ (ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)</b> .....	189
<b>Рахимов Баходир Саидмусаевич. Сурхондарё вилоятидаги ижтимоий-иқтисодий ислохатлар самарасининг тарихий манбалардаги таҳлили</b> .....	193
<b>Менглибоев Акмал. МИЛЛИЙ ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ: СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ СУРХОН ВОҲАСИГА НИСБАТАН ИСТИЛОЧИЛИК СИЁСАТИ</b> .....	196
<b>Хидиров Холмат. Ўзбекистон жанубий ҳудудларида темир йўл транспортни иқтисодий тараққиётдаги ўрни</b> .....	201
<b>Г.Х.Худойбердиева. Совет ҳокимиятини миллий маданий жиҳатдан камситиш сиёсатининг маҳаллий аҳоли ҳаётига салбий таъсири</b> .....	204
<b>Ў.Ч.Жўраева. МАМЛАКАТИМИЗДА ЙИРИК ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТИГА ЭГА ТЕРМИЗ ДАРЁ ПОРТИ ВА УНИНГ</b>	

**“БОЙСУН –БАХОРИ” ХАЛҚАРО ФЕСТИВАЛИ: ТУРИЗМ  
САЛОҲИЁТИ”**

**Жаҳон цивилизациясида Бойсуннинг моддий ва маънавий  
маданияти халқаро илмий-амалий анжумани**

**МЕЖДУНАРОДНЫЙ ФОЛЬКЛОРНЫЙ ФЕСТИВАЛЬ  
«БАЙСУН –БАХОРИ» ПОТЕНЦИАЛ ТУРИЗМА**

*Материальная и духовная культура Байсуна в мировой  
цивилизации*

**«BOYSUN –BAHORI» INTERNATIONAL FOLKLORE  
FESTIVAL TOURISM POTENTIAL**

*Material and Spiritual Culture of Boysun in World Civilizations*

Мухаррир *О. Қанаев*  
Бадий мухаррир *А. Ақилов*  
Техник мухаррир *Б. Ирисбоев*  
Мусаххих *З. Ирисбоев*  
Саҳифаловчи *З. Расулов*

Нашриёт лицензияси. № 2013-975f-3c5e-dle5-f4f3-8537-2366  
Босишга 25.04.2022 йилда рухсат этилди.  
Бичими 84x108 <sup>1/32</sup>. Ҳажми 45,0 б.т. Адади 500 нусха.  
Шартнома № 18/72. Буюртма № 142.

“Yosh avlod matbaa” нашриёти, 100190, Тошкент шаҳри,  
Юнусобод-9, 13-54.

“Adad Plyus” МЧЖ босмаҳонаси.  
Тошкент ш. Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 28-уй.



ISBN-978-9943-6897-5-6



9 789943 689756